



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 30 » ноябрь

№ 753

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 23 июлдаги ПФ–6033-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 23 июлдаги ПҚ–4787-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасини бошқариш, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини тақсимлаш тартибини назарда тутувчи Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Энология лабораторияси” унитар корхонаси зарур замонавий лаборатория анжомлари билан жиҳозланишини ва халқаро даражада аккредитациядан ўтказилишини, шунингдек, узум, мевалар ва резаворлардан алкогольли маҳсулотлар тажриба ишлаб чиқариши ташкил этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига  
1-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, Агентлик раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширувчилар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш, шунингдек, алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларига, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, қисқартирилган номи – Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency of the Republic of Uzbekistan for Regulation of the Alcohol and Tobacco Market and Wine Development, қисқартирилган номи – Agency for Regulation of the Alcohol and Tobacco Market and Wine Development;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по регулированию алкогольного, табачного рынка и развития виноделия Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Агентство по регулированию алкогольного, табачного рынка и развития виноделия.

8. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй.

**2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш;

виночилик хомашё базасини мустаҳкамлашга ва саноатбоп тоқзорлар плантацияларини кенгайтиришга, виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

маҳаллий вино тайёрловчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш;

ўзбек виноларининг миллий брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларининг, шу жумладан, замонавий ахборот тизимларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш орқали мониторингини олиб бориш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда алкогольли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширувчилар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини ҳамда алкогольли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш бўйича ваколатли орган функциясини амалга ошириш.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш соҳасида:*

виночилик ва узумчилик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, маҳаллий алкоголь, шу жумладан, вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдоси билан шуғулланувчилар орасида тарғиб қилиш мақсадида фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркаларни, шунингдек, хорижда, ташкил этади ҳамда алкоголь соҳаси корхоналарининг уларда иштирок этишига кўмаклашади;

саноатбоп узумчилик ва виночилик, янги турдаги алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маркетинг соҳаларида “ноу-хау”дан фойдаланиш билан боғлиқ илмий-инновацион лойиҳаларни молиялаштиради;

коллекцион вино ва коньяк маҳсулотларини захирага қўйиш ва сара миллий бренд маркаларининг коллекцион маҳсулотлар аукцион савдоларида иштирок этишига кўмаклашади;

кластер асосида техник навли узумчилик ва виночиликни ривожлантиришнинг давлат ва мақсадли дастурларини, шу жумладан, инновацион ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш йўли билан техник навли узум плантацияларининг ва тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқади;

халқаро ташкилотлар, шунингдек, бошқа давлатларнинг алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш бўйича органлари билан Агентлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан белгиланган тартибда ҳамкорликни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш, тармоқ норматив-ҳуқуқий базасини, техник ва технологик регламентлар ва халқаро стандартларни такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар йиғилишларида, конференция ва семинарларда иштирок этади;

*б) виночилик хомашё базасини мустақкамлашга ва саноатбоп тоқзорлар плантацияларини кенгайтиришга, виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш соҳасида:*

виночилик соҳасидаги етакчи хорижий мутахассислар ва юридик хизмат ходимларини жалб этиш, илғор чет эл тажрибасини алмашиш, замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан таклифлар киритади;

илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ваколатли ташкилотлар билан биргаликда агротехнологияларни такомиллаштириш ва узум ҳосилдорлигини ошириш, тармоқ маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни модернизация қилиш юзасидан таклифларни тайёрлайди;

саноатбоп узум плантацияларида маҳаллий селекция навлари, хусусан, ўсиш, етиштириш муҳитининг абиотик ва биотик шароитларига кўпроқ мослашган Европа клонлари ва автохтон навлар улүшини ошириш чораларини кўради;

техник навли узумчилик ва виночилик соҳасида ягона давлат сиёсати ижросини таъминлайди, ушбу йўналишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, узумчилик ва виночилик йўналиши бўйича ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар билан ҳамкорлик қилади;

техник навли узумчилик ва виночилик, шу жумладан, узум экиш материални ишлаб чиқариш соҳасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади ва таклифлар киритади;

узумчилик ва виночилик соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб қилади, шунингдек, тармоқ мутахассисларини ва техник навли узум етиштирувчиларни республиканинг етакчи корхоналари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни, шунингдек, чет элда малакасини оширишни ташкил этишга кўмаклашади;

олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари, шу жумладан, халқаро илмий-тадқиқот институтлари билан узумчилик ва виночилик соҳасида илмий-техник ютуқларни ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида ҳамкорлик қилади;

олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларига бевосита тармоқнинг ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарида амалиёт ўташларида кўмаклашади;

саноатбоп узум экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича питомник-кўчатхоналарни барпо қилишда кўмаклашади ва уларнинг фолиятларини мувофиқлаштиради;

*в) маҳаллий вино тайёрловчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишда узум этиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишда тармоқ корхоналарига кўмаклашади, шунингдек, узумчилик маҳсулотлари ташқи бозори конъюнктурасини ўрганади, маҳаллий узумчилик маҳсулотларини оммалаштириш ва тармоқ маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда корхоналарда узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича халқаро стандартларни жорий қилишга кўмаклашади ва таклифлар киритади;

*г) ўзбек виноларининг миллий брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш соҳасида:*

узум, мева резаворлардан вино ва виночилик маҳсулотларининг янги турлари ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улардан ўзбек миллий вино брендини яратиш ҳамда жаҳон бозорларида тарғиб қилиш мақсадида тармоқ ишлаб чиқарувчилари ва якуний маҳсулот савдоси билан шуғулланувчиларни кенг жалб этган ҳолда миллий ва халқаро фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил қилади ва уларда иштирок этади;

алкоғоль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга тегишли дегустация ҳудудларини туроператорларнинг йўналиш дастурларига киритилишини ташкил этишга кўмаклашади;

*д) истеъмол ва техник этил спирти, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларининг, шу жумладан, замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали мониторингини олиб бориш соҳасида:*

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва айланмасини назорат қилиш учун яратади, жорий этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда Ахборот тизимининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировкалаш бўйича маҳсулотларни маркировкалаш ахборот тизими билан интеграциялашувини таъминлайди;

ахборот-коммуникация тизимлари орқали истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмлари ва айланмаси мониторингини олиб боради;

лицензиат томонидан ахборот тизимига ўз вақтида ва ҳаққоний ахборот киритилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ахборот тизимининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва айланмаси бўйича манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда мулкдорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимига ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатади;

*е) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш соҳасида:*

назорат қилувчи органлар сўровига биноан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини текшириш ва мониторинг тадбирларида белгиланган тартибда иштирок этади;

текширишлар ўтказиш йўли билан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилишини, маҳсулотларни сақлаш сифатини ва уларнинг айланмасини, шу жумладан, фойдаланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилади;



истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сифати бўйича мурожаатларини тегишли чоралар кўриш мақсадида ўрганиб чиқади;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан молиявий санкциялар қўллашни сўраб судга мурожаат қилади, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясига таклиф киритади;

ишчи органлар фаолиятида иштирок этади, алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасидаги техник ва технологик регламентлар, стандартлар, шунингдек, санитария-гигиена нормаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифларни кўриб чиқади ва киритади;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик бўйича профилактика ва тушунтириш ишларини олиб боради;

ишлаб чиқарувчи корхоналарда этил спиртининг ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналарини уларнинг сифати норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида синовдан ўтказиши ва синов натижалари бўйича истеъмол этил спирти маҳсулотларнинг мувофиқлиги ёки ишлаб чиқариш жараёнига қайта ишлаш учун қайтариш тўғрисида хулосалар беради;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларда халқаро стандартларни жорий қилишга кўмаклашади ва таклифлар киритади.

*ж) алкоголь маҳсулотларинининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаштириш соҳасида:*

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ушбу фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомлар талабларидан келиб чиққан ҳолда беради ва расмийлаштиради;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган ташкилотлар реестрини юритади;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

лицензиат томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи Ҳисобга олиш ахборот тизимига ишончли маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини назорат қилади;

белгиланган талабларга мувофиқ лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни, тугатишни ёки бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилади, шунингдек, уларнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради;

*3) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкогольли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширувчилар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини ҳамда рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлмаган алкогольли маҳсулотнинг чакана савдоси билан шугулланувчи ташиқлотларга алкогольли маҳсулотнинг сотилмаслигини назорат қилиш, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шугулланувчи ташиқлотлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тулишини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида:*

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия талабгорининг аризасини қабул қилиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида, лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликати бериш тўғрисида қарор лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнида лицензия талаблари ва шартларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича лицензияга эга бўлган ташиқлотларга нисбатан огоҳлантириш, молиявий санкция ва (ёки) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш каби таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллаш жараёнини амалга оширади;

чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга оширади, уларни ваколатли органлар билан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида синов лабораторияларида экспертизадан ўтказилади;

назорат ва текшириш органларининг сўрови бўйича алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш ва сифатини текширишларда белгиланган тартибда иштирок этади;

лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар ва йиллик лицензия тўлови ўз вақтида тўланишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан тармоқ ташкилотлари томонидан солиқлар, шу жумладан, акциз солиғининг ўз вақтида тўланиши бўйича лицензия талабларига риоя қилиниши юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилади;

*и) алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш бўйича ваколатли орган функциясини амалга ошириш соҳасида:*

алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ташкилотлар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлайди;

алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан истеъмол этил спирти мақсадли ишлатилишини қонунчиликда белгиланган тартибда текширади ва назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш баланси параметрларига таклифлар беради;

2021 йил 1 июлдан бошлаб реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида ташилиши таъминланишини назорат қилади.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентликга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборот-маълумотларни давлат органлари ва хўжалик

бирлашмаларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат статистика органларидан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик маълумотларни бепул асосда олиш;

алкоголли ва тамаки маҳсулотлари сифатини белгилаш ва назорат қилиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро шартномаларни тузиш ва ўз ваколатига доир масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада ифодалаш;

Агентлик ваколатига доир масалалар бўйича хорижий тармоқ идоралари, илмий ва таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

узумчилик ва виночилик соҳасида жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техника, дастурий таъминот ҳамда Агентлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа товарлар таъминоти ва фойдаланиш ишларини бажариш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

виночилик соҳасидаги хорижий мутахассислар ва консультантларни белгиланган тартибда (агар қонунчиликда белгиланган бўлса) ва/ёки шартнома асосида жалб этиш;

Агентлик ва унинг тизимида кирадиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва уларнинг айланмаси соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, техник регламентларини такомиллаштириш, шунингдек, уларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича “Ўзстандарт” агентлигига таклифлар киритиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда тегишли лицензия ёки гувоҳномаларсиз ишлаб чиқилган ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировкаланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш;

текширилаётган ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича зарур ҳужжатлар ва тушунтиришлар олиш;

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишга рухсат этувчи махсус гувоҳномалар берадиган давлат солиқ инспекцияларидан ушбу савдо шохобчаларининг рўйхати ва манзилени сўраб олиш;

зарур ҳолларда текширилаётган ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузарликларни белгиланган муддатда бартараф этиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар сотилишини тақиқлаш ёки ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома киритиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотларда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

қонун ҳужжатларига асосан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида ваколатли органга таклиф киритиш, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилиш, шунингдек, уларнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш;

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Агентликнинг таркибий бўлинмалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

### 13. Агентлик:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда виночилик соҳасидаги ягона давлат сиёсати самарали амалга оширилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиш учун жавоб беради.

#### **4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш**

14. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентлик марказий аппарати;

“Энология лабораторияси” давлат унитар корхонаси;

“Узумчилик ўқув маркази” давлат унитар корхонаси;

Этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар.

15. Агентликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

16. Директор ўз мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатилиши шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

17. Директор Агентлик директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга эга бўлади.

18. Директор ўрнида бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига мувофиқ унинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

19. Ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда Агентлик давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шунингдек, давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорликда қабул қилинган қарорлар билан саноатбоп узумчилик, алкоголь ва тамаки соҳасидаги тадбирларни ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳларни тузади.

20. Агентлик марказий аппаратига 6 та автотранспорт воситасини, шу жумладан, 5 та шахсий бириктирилган автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит белгиланади.

#### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

21. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижро этилиши жараёнини танқидий жиҳатдан ва чуқур таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари топшириқларини бажариш;

Агентлик ходимларининг ваколатларини белгилаш, ўзининг ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Агентлик фаолиятининг алоҳида йўналишларига раҳбарлик қилиш учун шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил қилиш, Агентлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши жараёнини назорат қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, марказий аппарат ва таркибий бўлинмалар раҳбарларининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентлик кадрлар захирасини шакллантириш;

бўш лавозимларга тавсия қилинган, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг касбий маҳорати, ваколатлилиги, амалий тажрибаси, ишбилармонлик ва маънавий-маърифий сифатларининг юқори савияси кафолатланганлигини таъминлаш;

кейинчалик Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда киритиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритишни ташкил қилиш;

Агентликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни синчиклаб ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Агентлик директори, ўринбосарлари ва ходимларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасига хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларини амалга ошириш ва ташкил қилиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарига ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш;

ўз ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилин мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини Агентлик мажлисларида эшитиш, яқунлар бўйича зарур чоралар кўриш;

ўз ўринбосарлари ва Агентлик ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек, уларга риоя қилинишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини қабул қилиш, шунингдек, ҳуқуқий амалиёт ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш;

Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий қилишни таъминлаш;

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шу жумладан, Агентликнинг ахборот тизими самарадорлиги ва сифатини ошириш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний



ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойига чиқиб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган мурожаатларнинг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлашни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлаш;

давлат сири ва махфий маълумотлар сирасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларининг Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тушиши ва ишлатилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган шартномалар ва битимлар тузиш;

Жамғарманинг муқаддам берилган маблағлари бўйича, шу жумладан, шартнома шартларини қайта тузиш ва узайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Агентлик марказий аппарати ва тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставлари, низомлари, лавозим йўриқномалари ва бошқа локал ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, Агентлик марказий аппарати ходимлари, “Энология лабораторияси” давлат унитар корхонаси, “Узумчилик ўқув маркази” давлат унитар корхонаси ва Этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

Жамғарманинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига виночилик соҳасида хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан номзодни ва унинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини келишилган ҳолда шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик ва унунг тизимидаги ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, белгиланган тартибда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

зарур ҳолларда Агентлик тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш.

Агентлик директори қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

22. Қуйидагилар Агентлик директори ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

директор вақтинча ўрнида бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита раҳбарлик қилиш, бўлинмаларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари топшириқларини ижро этиш;

директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жойига қўйиш бўйича директорга таклифлар тақдим қилиш, уларнинг касбий маҳорати, билими, амалий тажрибаси, ишбилармонлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юқори савияси кафолатланганлигини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил қилиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари келгусида директор томонидан кўриб чиқирилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритиш учун мутасадди ташкилотларга ўз вақтида киритилишини таъминлаш;

Агентликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва атрофлича кўриб чиқиш, уларни синчиклаб ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон

ва “Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасига хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлиги, сафар харажатларига ажратилган маблағларнинг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиб бориш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлар бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентликнинг саноатбоп узумчилик, виночилик, алкоголь ва тамаки соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоратадбирлар кўриш, ушбу соҳада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш бўйича директорга таклиф киритиш, уларга юкланган вазифалар ва функционал вазифалар бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойига чиқиб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармониға мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган барча мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ва махфий маълумотлар тоифасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Директор ўринбосарлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширадilar.

#### **6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

##### **23. Агентлик директори:**

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлиги соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ўзининг функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

##### **24. Агентлик директори ўринбосарлари:**

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлиги соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб берадилар.

#### **7-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлар**

25. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳолаб борилади.

26. Агентлик директори ва директор ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган баҳолаш мезонлари ва индикаторларига асосланади.

Агентликнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шунингдек, марказий аппарати, тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Агентлик директори

томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган баҳолаш мезонлари ва индикаторлари асосида амалга оширилади.

27. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

**8-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

28. Агентлик ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини амалга ошириш ва марказий аппарат таъминоти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, иш ҳақи фонди, ходимларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, кўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловлар ҳамда маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар қопланиши жамоа шартномалари, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатлар асосида Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

29. Агентлик директори ва директор ўринбосарларининг соҳадаги хизмат муддати, давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига ойлик устамалар штатлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда қуйидаги миқдорларда тўланади:

- 3 йилдан 5 йилгача – 10 фоиз;
- 5 йилдан 10 йилгача – 20 фоиз;
- 10 йилдан 20 йилгача – 30 фоиз;
- 20 йилдан ортиқ – 40 фоиз;

Агентлик марказий аппарати бошқармаси, бўлими бошлиқлари ва қуйи лавозимлардаги ходимларининг узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига (рағбатлантирувчи коэффицентни ҳисобга олган ҳолда) ойлик устамалар штатлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда қуйидаги миқдорларда тўланади:

- 1 йилдан 5 йилгача – 10 фоиз;
- 5 йилдан 10 йилгача – 20 фоиз;
- 10 йилдан 15 йилгача – 30 фоиз;

15 йилдан 20 йилгача – 40 фоиз;

20 йилдан 25 йилгача – 50 фоиз;

25 йилдан ортиқ – 60 фоиз.

30. Агентлик тизимидаги ходимларга байрам саналарида икки лавозим маошигача миқдорда мукофотлар тўланиши мумкин.

31. Агентликнинг юқори малакали ходимларига ўз хизмат вазифаларини ташаббускорлик билан ва виждонан бажарганликлари учун Агентлик директори томонидан лавозим маошларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан 300 фоиз миқдоригача устама белгиланиши мумкин.

#### **9-боб. Агентликнинг ҳисобот бериши**

32. Агентлик директори Вазирлар Маҳкамаси олдида Агентлик фаолияти натижалари тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот беради.

33. Вазирлар Маҳкамаси Агентлик директори фаолиятининг унга юқланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг қилиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

34. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида жонбозлик кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйган жиддий камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

#### **10-боб. Яқунловчи қоида**

35. Агентликни қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга  
солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг  
Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Виночиликни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) бошқариш, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тизимида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тузилади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган субсидиялар;

алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг беш фоизи миқдоридаги ажратмалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги ПФ–6029-сон Фармонида асосан ушбу ажратма миқдори 2020 йил 31 декабргача уч фоиз қилиб белгиланганлиги инобатга олинган ҳолда);

Агентлик ҳузуридаги “Энология лабораторияси” ва “Узумчилик ўқув маркази” давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ажратмалар;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун тўланадиган жарима суммасининг 50 фоизи;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналар томонидан лицензия талаблари бузилганлиги учун тайинладиган жарималар;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун давлат божи тўловининг 80 фоизи миқдорига, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва халқаро молия ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда ушбу банднинг учинчи хатбошиси 2022 йил 1 январга қадар амал қилади.

4. Жамғарма маблағлари Агентлик томонидан белгиланган тартибда очиладиган ғазна ҳисобварағида жамланади.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

5. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

Агентликнинг техник навли узумзорлар ва виночилик соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларини амалга ошириш, шу жумладан, узум кўчатларини харид қилиш, узумнинг селекция навларини яратиш ва уларни экишни ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларнинг самарали бажарилиши;

сувни тежовчи, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда субсидиялар бериш;

саноатбоп токзорларда ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан, сув етказиб бериш, артезиан қудуқлар, қувурлар ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос ва қувурлар, сув сақлаш учун сифимлар сотиб олиш;

техник навли узум плантацияларини яратиш ҳамда узум, мевалар ва резаворлардан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича қарз бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоиз пунктигача чегирган ҳолда тижорат банкларига кредит ресурсларини бериш;

маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш;

маҳаллий шароитда ток ўсимлиги тўқималаридан (меристема хужайра) “In vitro” усулида етиштирилган ток кўчатларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш;



умумий қийматининг камида 15 фоизи лойиҳа ташаббускори томонидан молиялаштириладиган техник навли узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича бўлғуси ҳосил, токзор ва (ёки) ер участкасига бўлган ҳуқуқни гаровга олган ҳолда кафилик тақдим этиш;

техник навли узум кўчатларини шпалерага кўтариш учун субсидиялар ажратиш;

виночилик соҳасидаги хорижий мутахассислар ва консултантларни жалб этиш, узум етиштирувчиларни, Агентлик ва виночилик корхоналари ходимларини, шу жумладан, хорижда, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

маҳаллий алкоголь, шу жумладан, вино маҳсулотларини тарғиб қилиш бўйича фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш, алкоголь соҳаси корхоналарининг, шу жумладан хорижда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишига кўмаклашиш ҳамда уларнинг бундай тадбирлардаги иштироки билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

саноатбоп узумчилик ва виночилик, янги турдаги алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маркетингда “ноу-хау” билан боғлиқ бўлган илмий лойиҳаларни молиялаштириш;

техник навли узумларнинг оналик майдонлари ва коллекция участкалари, кўчатхона (питомник)лар барпо этиш;

коллекцион вино ва коньяк дистилляти маҳсулотларини захирага қўйиш;

Агентлик ва унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг марказий апаратини таъминлаш, шу жумладан, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, хусусан, устамалар тўлаш, шунингдек, Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тадбирлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғарма ҳисобига ажратиладиган ҳар йиллик субсидиялар ҳисобидан қуйидаги мақсадлар учун субсидиялар берилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда яратилаётган техник навли узум плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш. Агар шартномада кўрсатилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишга сарфланган маблағ суммаси субсидиянинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан кам бўлган тақдирда, субсидия шартномада назарда тутилган суммада ажратилади;

яратилаётган ҳар 35 гектар ер майдонидаги техник навли узум плантацияларига сув чиқариш учун бурғулаш қудуғи, суғориш учун дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув чиқариш учун насос станциясини қуришга 120 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади;

маҳаллий шароитда ток ўсимлиги тўқима (меристема хужайра)ларидан “In vitro” шароитида етиштирилган ток кўчатларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона ток кўчатига 4 (тўрт) минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидиялар ажратилади;

техник навли узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона шпалерга 15 (ўн беш) минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидиялар ажратилади;

маҳаллий шароитда интенсив усулда етиштирилган техник навли ток кўчатлари ҳамда пайвандтаглари сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун бир дона кўчатга 4 (тўрт) минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидиялар ажратиш.

7. Субсидияларни ажратиш томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудуқларини қуриш, “In vitro” шароитида етиштирилган ток кўчатлари экиш ва шпалерга кўтариш ҳолати бўйича амалга оширилади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомда кўрсатилган фойдаланишга топшириш бўйича Сувни тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссияси далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

8. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадлар учун (6-бандда кўрсатилган мақсадлар бундан мустасно) юридик шахсларга қисқа ва узоқ муддатли (1 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича қарзлар бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз пунктигача чегирган холда тижорат банкларига кредит ресурсларини ажратиш;

қарзлар ажратиш Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш ва олдин берилган қарзларни қайта кўриб чиқиш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ажратилади.

Комиссия таркиби Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

9. Берилган қарзларнинг ҳар йиллик суммаси Жамғарманинг ҳисобварақларига тушган ҳар йиллик маблағлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим ва қарз таъминоти сифатида кўчадиган

ва кўчмас мулк гарови, учинчи шахсларнинг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа таъминот турлари тақдим қилинади.

10. Маблағлардан янада самарали фойдаланиш ва кўшимча фойда манбаини шакллантириш мақсадида Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилиши мумкин.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш**

11. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси, маблағ йўналтирилишини ҳисобга олган ҳолда ушбу Низомнинг 3 ва 5-бандларида назарда тутилган мақсадларга белгиланган тартибда тузилади.

12. Жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Агентлик директори томонидан Жамғарманинг тасдиқланган даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Агентлик директори:

Жамғарма маблағларини ушбу Низом асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этади ҳамда маблағлардан қатъий белгиланган мақсадларда самарали фойдаланилиши учун жавоб беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган шартномаларни тузади;

Жамғарманинг олдин берилган маблағлари бўйича, шу жумладан, шартнома шартларини қайта кўриб тузиш, муддатини узайтириш ва ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисоби юритилишини, Жамғарма маблағларидан ушбу маблағларни олувчилар томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш мониторингини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини бажариш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим қилади.

14. Жамғарма маблағларидан субсидияларни ажратиш тўғрисидаги қарорлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш Кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) томонидан қабул қилинади.

15. Кенгашнинг субсидиялар ажратиш тўғрисидаги ижобий қарори Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғармага ажратилган маблағларни ташаббускорларга ажратиш учун асос ҳисобланади.

Кенгаш мажлислари тушган мурожаатлардан келиб чиқиб ҳар чоракда камида бир марта, чорак охириги ойнинг охириги 10 кунлигида ўтказилади.

Агентлик Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади, унинг вазифалари ва функциялари Кенгаш томонидан белгиланади.

### **5-боб. Лойиҳаларни субсидиялар ҳисобига молиялаштириш тартиби**

16. Лойиҳаларни ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга ажратиладиган субсидиялар ҳисобига молиялаштириш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

17. Субсидия маблағларини олиш учун лойиҳа ташаббускори Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, сўралаётган субсидиядан фойдаланиш мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисоб рақами кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза;

узум плантацияларини барпо этиш учун ёки шпалерга кўтарилиши лозим бўлган токзорлар жойлашган ер участкаси мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат – субсидияларни олишда;

қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчисининг ер участкасига тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси нусхаси;

узум плантацияларини барпо этиш режалаштирилган ерларнинг бонитет балларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда лойиҳа бўйича маълумотлар - субсидияларни олишда;

харажатлар сметаси ва молиялаштиришнинг қўшимча манбалари (бундай манбалар мавжуд бўлганда) ҳақида маълумотлар.

Лойиҳа ташаббускоридан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

18. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар Агентлик томонидан икки иш куни мобайнида текширилади.

Тақдим қилинган ҳужжатларда хато ёки камчиликлар аниқланганда Агентлик лойиҳа ташаббускорини хато ёки камчиликлар ҳақида хабардор қилади.

Лойиҳа ташаббускори томонидан хато ва/ёки камчиликлар Агентлик хабардор қилгандан сўнг етти кун мобайнида бартараф

қилинмаган тақдирда, ҳужжатлар лойиҳа ташаббускорига қайтариб берилади. Лойиҳа ташаббускори томонидан субсидияларни олиш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ тақдим қилинган ҳужжатлар Агентлик томонидан Кенгашнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

Тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Кенгаш субсидия ажратиш ёки ажратишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Агентлик лойиҳа ташаббускорини қабул қилинган қарор ҳақида у қабул қилинганидан кейин бир иш куни мобайнида хабардор қилади.

20. Кенгаш томонидан субсидияни бериш тўғрисида қабул қилинган қарор асосида лойиҳани амалга ошириш учун Агентлик ва лойиҳа ташаббускори ўртасида субсидия ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

21. Субсидиялар ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган шартлар бажарилгандан сўнг бир ойлик муддатда ажратилади.

22. Субсидия миқдори туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномалардаги лойиҳа кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

23. Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари тасдиқланган далолатномаларнинг ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

24. Субсидия ва қарзлар лойиҳа ташаббускорларининг тижорат банкларида очилган махсус 22626 ҳисобварақларига (корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

#### **6-боб. Субсидия олувчининг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби**

25. Янги узум плантацияларини барпо қилиш ишлари лойиҳалар ташаббускорлари томонидан субсидия олинганидан сўнг 12 ойдан ошмаган муддатда яқунланиши лозим.

26. Агентлик туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туманлар қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиқлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари билан биргаликда ушбу Низомнинг 28-бандида белгиланган муддат ўтгач икки ой ичида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномаларда кўрсатилган параметрлар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Мониторинг яқунлари бўйича лойиҳалар ташаббускорлари билан Агентлик ўртасида имзоланган шартномада кўрсатилган параметрлар лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилгани ёки бажарилмагани тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилади. Далолатномалар туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ва Агентлик вакиллари томонидан имзоланади.

27. Агентлик субсидия ажратилгандан сўнг 12 ой давомида субсидия ажратиш тўғрисида шартнома шартлари лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларга ажратилган субсидияларни Агентликка қайтариш ҳақида ёзма хабарнома юборади. Лойиҳалар ташаббускорлари ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияларни Агентликнинг тегишли махсус ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

Бунда лойиҳанинг бажарилмаган қисмига мутаносиб субсидия суммаси қайтарилиши лозим.

#### **7-боб. Агентликнинг кредит бериш бўйича тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

28. Лойиҳа ташаббускорларига тижорат банклари томонидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга (6-бандда кўрсатилган мақсадлар (субсидия) бундан мустасно) ва шартларда кредитлар бериш мақсадида Агентлик ва тижорат банкининг бош аппарати ўртасидаги бош келишувни тузиш йўли билан Агентлик томонидан тижорат банкларига молия ресурслари берилади. Ресурс ажратиладиган тижорат банклари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг электрон дастурий таъминоти орқали аниқланади.

Лойиҳа ташаббускорларига тижорат банклари томонидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга (6-бандда кўрсатилган мақсадлар (субсидия) бундан мустасно) ва шартларда кредитлар бериш мақсадида Агентлик ва тижорат банкининг бош аппарати ўртасидаги бош келишувни тузиш йўли билан Агентлик томонидан тижорат банкларига ресурслар берилади.

Агентлик тижорат банклари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар (Жамғарма маблағлари бундан мустасно) бўйича бўлғуси ҳосил, токзор ёки кўчар ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни гаровга олган ҳолда кафилик тақдим этади.

Тижорат банкларига Жамғармадан ажратилган ресурслар ҳисобидан бериладиган кредитлар Агентлик билан келишган ҳолда берилади.

Бунда 2020 йил 1 августдан бошлаб кредитлар тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоиз пунктигача чегирмани қўллаган ҳолда берилади.

29. Тижорат банки жорий йил давомида ресурсларнинг фойдаланилмаган ёки тўланмаган қисмини Агентликнинг ҳисобварақларига 3 иш кунни мобайнида қайтариб бериши шарт.

30. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга (6-бандда кўрсатилган мақсадлар (субсидия) бундан мустасно) қарзларни бериш Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш ва олдин берилган қарзларни қайта кўриб чиқиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

### **8-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш**

31. Агентлик ҳар бир йўналиш бўйича Жамғарма маблағларининг тушиши ва ҳаракатига оид алоҳида ҳисобини юритади.

32. Жамғармага мажбурий ажратмаларни ўз вақтида ўтказиб бериш учун Жамғармага ажратмаларни амалга оширувчи ташкилотлар раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади. Алкоголь маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчилар ажратмаларни ҳар ойда, кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай амалга ошириши лозим.

Ажратмалар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, алкоголь маҳсулотлар улгуржи савдоси билан шуғулланувчилар ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган ажратмалар суммасининг 0,01 фоизи миқдориди пеня тўлайди, пеня суммаси кечиктирилган мажбуриятлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Мазкур банддаги мажбуриятлар белгиланган муддатда ва лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Агентлик қарздорликни мажбурий тартибда ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

33. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим қилинади.

34. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган ва лойиҳа ташаббускорларига ўтказилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида белгиланган тартибда кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

35. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларни молиялаштириш ҳақидаги битим қарз шартномаси шаклида расмийлаштирилади. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, низо амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари доирасида ҳал этилади.

36. Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиш ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

37. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки  
бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни  
ривожлантириш агентлигининг Виночиликни  
ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга  
солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг  
Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан субсидиялар бериш бўйича кенгаш  
ТАРКИБИ**

1. Р. М. Бобоев – Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори, *Кенгаш раиси*
2. Т.Э. Мирзаев – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, *Кенгаш раисининг ўринбосари*
3. М.И. Рузметов – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари
4. А.А. Рахимов – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари
5. Лавозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари, *Кенгаш котиби*

**Изоҳ.** *Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли вазифаларни бажариши юқланган шахслар киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси субсидиялари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Лойиҳа ташаббускори	1. Субсидияларни олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳужжатларни тақдим қилади.	Ташаббус тартибида
II босқич	Агентлик	Ташаббускорнинг муурожаати ва ҳужжатларини кўриб чиқади ва уларни Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш бўйича Кенгашга (кейинги ўринларда – Кенгаш) кўриб чиқиш учун киритади.	3 иш куни мобайнида
III босқич	Кенгаш	Агентлик тақдим қилган ҳужжатларни кўриб чиқади.	1 ой мобайнида
IV босқич	Агентлик	Ташаббускорни Кенгаш томонидан субсидиялар ажратиш ёки субсидиялар ажратишни рад этиш юзасидан қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.	Қарор қабул қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида
V босқич	Агентлик, лойиҳа ташаббускори	Лойиҳани амалга ошириш учун субсидия ажратиш тўғрисида шартнома тузади.	Кенгашнинг ижобий қарори қабул қилингандан

<b>VI босқич</b>	Агентлик	Субсидия ажратиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилгандан сўнг маблағлар лойиҳа ташаббускорининг тижорат банкида очилган махсус 22626 ҳисобварағига ўтказилади.	Шартнома шартларига мувофиқ
<b>VII босқич</b>	Лойиҳа ташаббускори	<p>1. Маблағлардан қатъий равишда белгиланган тартибда узум плантацияларини яратиш, томчилаб суғориш технологиясини жорий қилиш ва/ёки бурғулаш қудуқларини қуриш, ток кўчатлари экиш ва шпалерга кўтариш мақсадида фойдаланади.</p> <p>2. Лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар қилади.</p>	Шартнома шартларига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки  
бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни  
ривожлантириш агентлигининг Виночиликни  
ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Янги саноатбоп узум плантацияларини яратиш бўйича лойиҳа тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

1. Лойиҳа ташаббускори: \_\_\_\_\_
2. Яратиладиган саноатбоп узум плантацияларининг умумий майдони: \_\_\_\_\_ га.
3. Яратиладиган саноатбоп узум плантациялари жойлашган жой: \_\_\_\_\_
4. Саноатбоп узум навини ўтказиш режаси: экиш схемаси, кўчат сони, \_\_\_\_\_ - \_\_\_\_\_ га  
(масалан: 3x2 схемада, 116 620 дона кўчат, Баян-Ширей – 50 га, Сапери – 10 га, Шардоне – 10 га).
5. Лойиҳани амалга ошириш муддати: \_\_\_\_\_ (масалан, 2020 йил кузи).
6. Яратиладиган иш жойи: \_\_\_\_\_ киши.
7. Лойиҳанинг умумий қиймати – \_\_\_\_\_ млн сўм, ундан:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм, ундан:	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
			Лойиҳа ташаббускорларининг маблағлари	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси субсидиялари	Тижорат банклари кредитлари, жумладан, Жамғарма ресурслари ҳисобига
1	Агротехник тадбирлар (жумладан, ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш)				
2	Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
3	Саноатбоп узум ниҳолларини харид қилиш ва уларни ўтказишни ташкил қилиш				
4	Сув чиқариш учун бурғулаш кудуклари қуриш				
5	Томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш				
6	Ток кўчатларини шпалерга кўтариш				
7	Бошқа харажатлар				
	<b>ЖАМИ:</b>				

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, биз янги саноатбоп узум плантацияларини яратиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот раҳбари

(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Изоҳ. Лойиҳалаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилмаган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига  
3-илова

**Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида  
истеъмол этил спиртини тақсимлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини (кейинги ўринларда – спирт) тақсимлаш тартибини белгилайди.

2. Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар (кейинги ўринларда – ишлаб чиқарувчилар) ўртасида спиртни тақсимлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича, тасдиқланган спирт ишлаб чиқариш ва сарфлаш параметрлари доирасида ҳар чоракда амалга оширилади.

Йиллик истеъмол талаби 500 далдан ошмайдиган ишлаб чиқарувчилар учун спиртни тақсимлаш йилда бир марта, чораклар бўйича амалга оширилади.

3. Спирт тақсимоти ҳисобот чораги бошланишидан камида 10 кун олдин ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган шаклларга мувофиқ тақдим этиладиган аризаларга асосан амалга оширилади.

Ўз фаолиятини ҳисобот чораги давомида бошлаган ишлаб чиқарувчилар учун спирт тақсимоти ариза топширилган кундан бошлаб 5 кун ичида тақсимланмаган спирт қолдиқлари (мавжуд бўлса) асосида амалга оширилади.

4. Ариза топширган ишлаб чиқарувчининг раҳбари аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳамда спирт мақсадли сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Спирт Агентлик томонидан ўтказилган таҳлиллар асосида тақсимланади ва аризада сўралган ҳажмлардан фарқ қилиши мумкин.

**Спиртни тақсимлашда:**

спирт алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш баланси доирасида лицензия талабларини бажариш учун етарли бўлиши керак;

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилишидан келиб чиқиб кўшимча спирт ҳажмини харид қилиш имконияти ҳисобга олинади.

6. Таҳлил ўтказишда қуйидаги маълумотлар кўриб чиқилади:

аризада кўрсатилган маълумотлар;

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бўйича лицензия талаблари;

ўтган йилнинг мос даврида алкогольли ва бошқа ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми.

7. Агентлик томонидан спирт ишлаб чиқарувчилар ўртасида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда тақсимланади:

спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва ушбу корхоналардаги спирт қолдиқлари;

ишлаб чиқарувчининг лицензия талабларини бажариши ва ишлаб чиқариш қувватлари кўрсаткичлари;

календарь йил давомида ҳар бир спирт ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқарилган спиртнинг умумий ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда.

8. Маҳсулот ҳаракати назоратини таъминлаш ва унинг ноқонуний реализациясининг олдини олиш мақсадида бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида спирт тақсимланиши уларнинг спирт ишлаб чиқарувчиларга ҳудудий яқин жойлашувига ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари эҳтиёжларига кўра амалга оширилади.

9. Тақсимланган спирт тўғрисидаги маълумотлар Агентлик томонидан ҳисобот чораги бошланишидан камида 5 кун олдин спирт ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилади. Ушбу маълумотларда кўрсатилган тақсимот ҳажмлари ишлаб чиқарувчиларнинг контрагентлар билан чораклик (йиллик) спирт олди-сотди шартномаларини тузишга асос бўлади.

Тақсимланган спирт ҳажмлари ишлаб чиқарувчилар томонидан шартномада белгиланган муддатларда олинмаслиги ёки олишдан воз кечилиши ушбу спирт ҳажимларининг Агентлик томонидан бошқа талабгорларга тақсимланишига асос бўлади.

10. Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга белгиланган йиллик (чораклик) ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 100 фоиздан ошган ҳолатда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга уларнинг аризаларида кўрсатилган ҳажмлардан ортиқча миқдорда спирт тақсимлаш тақиқланади.

11. Спирт ишлаб чиқарувчилар контрагент корхонанинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб спирт қийматининг камида 50 фоизини олдиндан тўлов асосида сотиши мумкин.

12. Спирт ишлаб чиқарувчи корхона алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳар битгаси бўйича спирт маҳсулотининг охириги партиясини юклаб жўнатганлиги ҳақидаги ёзма маълумотни

(факс, электрон почта ва бошқа усулларда) бир календарь кун ичида Агентликка юбориши лозим.

Бунда Агентлик хабарнома олинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан барча спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарга чораклик тақсимланган спиртни тўлиқ ҳажмда олган алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи (лар) тўғрисида хабарнома юбориши лозим.

13. Ишлаб чиқарувчилар томонидан тақсимланган ҳажмдан ортиқча (агар мавжуд бўлса) миқдорда спиртни олиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Бюджет ва мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлмаса;

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча спирт олиш учун Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича аризаси.

Бунда Агентлик, ортиқча спирт ресурсига эга бўлган спирт ишлаб чиқарувчи корхонани аниқлаб, 5 иш куни мобайнида аризада кўрсатилган миқдорда мавжуд спирт тақсимотини амалга оширади.

14. Жорий чоракда ишлаб чиқарувчи томонидан олинмаган (тақсимланган ва қўшимча) спирт ҳажми кейинги чоракка ўтказилмайди. Бунда ишлаб чиқарувчи мазкур чоракда юқлаб жўнатилмаган спирт маҳсулоти ҳажми учун олдиндан тўланган тўловни белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

15. Агентлик томонидан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган спирт ҳажмлари ва унинг айланмаси мониторингини олиб бориш мақсадида спирт ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар Агентликка ҳар ойнинг учинчи кунидан кечиктирмасдан ўтган ой учун ушбу Низомга 5 ва 6-иловаларда келтирилган шаклларда маълумотлар тақдим этиб боради.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун  
истеъмол этил спиртини тақсимлаш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I bosқич	Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар	Истеъмол этил спирти олиш учун ариза жўнатади.	Чорак бошланишдан 10 кун олдин
II bosқич	Агентлик	Ўтказилган таҳлил асосида ишлаб чиқарувчилар учун истеъмол этил спиртини тақсимлайди.	Чорак бошланишидан 5 кун олдин
III bosқич	Агентлик	Ҳисобот чораги давомида фаолиятини бошлаган ишлаб чиқарувчилар учун истеъмол этил спиртини тақсимлайди.	Ариза берилганидан сўнг 5 кун олдин
IV bosқич	Агентлик	Тақсимланган истеъмол этил спирти тўғрисида маълумотларни истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи ташкилотларга тақдим этади.	Чорак бошланишидан 5 кун олдин
V bosқич	Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчилар	Истеъмол этил спирти олди-сотди шартномасини тузади.	5 кун давомида
VI bosқич	Истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчилар	Тақсимланган истеъмол этил спирти ҳажмининг ишлаб чиқарувчи томонидан тўлиқ олинганлиги ҳақида Агентликка хабар беради.	Бир иш куни мобайнида
VII bosқич	Агентлик	Чораклик тақсимланган ҳажмларда истеъмол этил спиртини тўлиқ олган алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар тўғрисида истеъмол этил спиртини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга хабарномалар жўнатади.	Бир иш куни мобайнида
VIII bosқич	Алкоголь бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар	Истеъмол этил спирти тақсимланган ҳажмдан ортиқча ҳажмда харид қилинганлиги тўғрисида Агентликни хабардор этади.	Бир иш куни мобайнида

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Истеъмол хомашёсидан олинган ректификатланган этил спиртини 20\_\_ йилнинг  
\_\_ чораги учун алкоголь маҳсулотини ишлаб чиқариш мақсадида олиш учун  
**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ (ташкилот номи)

т/р	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми			Спиртга бўлган эҳтиёж ҳажми		
			жами	шу жумладан, ойлар бўйича		жами	шу жумладан, ойлар бўйича	
1.								
2.								
3.								
	<b>Жами:</b>							

Ташкилот раҳбари қабул қилинган спиртнинг мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик ва уни қатъий қўрсатилган мақсадларда ишлатиш мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Ф. И. О.

Тўлдириш санаси 20\_\_ й. “\_\_”

Тақдим этиш санаси 20\_\_ й. “\_\_”



Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

20\_\_ йилга \_\_\_\_\_ ишлаб чиқариш учун  
(ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи)  
\_\_\_\_\_ маҳсулотини олиш учун  
(олинадиган маҳсулот номи)

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ (ташкilot номи)

т/р	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми				Маҳсулот бирлигига сарфланадиган спирт маҳсулоти (дал)	20__ йилга спирт маҳсулотига бўлган эҳтиёж ҳажми (дал)				Спирт маҳсулотининг ишлатилиши ва сарфланишини тасдиқловчи норматив ҳужжат		
			жами	шу жумладан, чорақлар бўйича				жами	шу жумладан, чорақлар бўйича					
				I	II	III			IV	I	II		III	IV
1.														
2.														
3.														
	Жами:													

1. Ташкilot раҳбари қабул қилинган спирт маҳсулотидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик ва уни қатъий кўрсатилган мақсадларда ишлатиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.
2. Аризага қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органларида ташкilotнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш учун айнан истеъмол этил спиртининг ишлатилиши ва сарфланишини тасдиқловчи норматив ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Ташкilot раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф. И. О.)

Тўлдириш санаси 20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_  
Тақдим этиш санаси 20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда  
виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан тақсимланган ҳажмлардан  
ортиқча ҳажмда истеъмол этил спиртининг харид қилинганлиги тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

Алкоголь маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ташкilotнинг номи	Спирт ишлаб чиқарувчи ташкilotнинг номи	Спирт олди-сотдиси бўйича тузилган шартнома тўғрисида маълумот				Спиртдан мақсадли фойдаланилиши
		шартнома тузилган сана	шартнома рақами	спирт ҳажми (дал)	шартноманинг амал қилиш муддати	

Ташкilot раҳбари қабул қилинган спиртдан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик ва уни қатъий  
кўрсатилган мақсадларда ишлатиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Ташкilot  
раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф. И. О.)

Тўлдириш санаси 20 \_\_ й. “ \_\_ ”

Тақдим этиш санаси 20 \_\_ й. “ \_\_ ”  
\_\_\_\_\_

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойида  
\_\_\_\_\_ ” корхонаси бўйича чиқарилган ва сотилган истеъмол  
этил спирти тўғрисида  
**МА Ъ Л У М О Т**

Спирт қолдиғи ой бошига жами: \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Январь ойида спирт и/ч жами – \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Январь ойидаги сотилиш жами – \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
(мелассадан) \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Табийй йўқотиш: \_\_\_\_\_

Спирт қолдиғи давр якунига жами: \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
(мелассадан) \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Спирт қолдиғи йил бошига жами: \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Йил бошидан спирт и/ч жами – \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Йил бошидан сотилиш жами – \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
(мелассадан) \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

Табийй йўқотиш: \_\_\_\_\_

Спирт қолдиғи давр якунига  
жами: \_\_\_\_\_  
шу жумладан: Олий навли \_\_\_\_\_  
(мелассадан) \_\_\_\_\_  
Экстра \_\_\_\_\_  
Люкс \_\_\_\_\_  
Альфа \_\_\_\_\_

а/а дал

т/р	Истемолчи корхоналар номи	ойида сотилган				Чоракда сотилган				Йил бошидан								
		Жами:	Сотилган маҳсулот тури				Жами:	Сотилган маҳсулот тури				Жами:	Сотилган маҳсулот тури					
			Олий нав	Экстра	Люкс	Альфа		Олий нав	Экстра	Люкс	Альфа		Олий нав	Экстра	Люкс	Альфа		

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_

Бўлим бошлиғи \_\_\_\_\_

Алкоголь ва бошқа маҳсулотлар ишлаб  
чиқарувчилар ўртасида истеъмол этил спиртини  
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-илова

“\_\_\_\_\_” ташкилоти бўйича \_\_\_\_\_ йил (январь-декабрь) ойларидаги спирт ҳаракати тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

		Истеъмол этил спирти (дал)	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (дал) (статистика органларига берилган ҳисобот бўйича)
1.	<b>Жами: Спирт қолдиғи йил бошига</b>		
	шу жумладан:		
1.1.	<i>спирт омборидаги</i>		
1.2.	<i>ароқ цехидаги купаж ҳолатидаги</i>		
1.3.	<i>фильтр колонкадаги</i>		
1.4.	<i>йўлдаги</i>		
2.	<b>Жами КИРИМ:</b>		
2.1.	“Андижон биокимё заводи” АЖдан		
2.2.	“Биокимё” АЖдан		
2.3.	“Қўқон спирт” АЖдан		
2.4.	“Бектемир-спирт” АЖдан		
3.	<b>Жами РЕСУРС:</b>		
4.	<b>ЧИҚИМ:</b>		
4.1.	<b>ароқ ва ликёр ароқ ишлаб чиқариш учун</b>		
	шу жумладан:		
		40%	
		38%	
		28%	
4.2.	<b>бальзам маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун</b>		
4.3.	<b>вино маҳсулотларини қувватлаш учун</b>		
4.4.	<b>янги узум мавсуми учун</b>		
4.5.	<b>жами табиий йўқотиш</b>		
	шу жумладан:		
	<i>ишлаб чиқаришдаги</i>		
	<i>спирт ташишидаги</i>		
4.6.	<b>Бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун (маҳсулот тури, номи аниқ кўрсатилади)</b>		
	<b>Жами ЧИҚИМ:</b>		
5.	<b>Жами: Спирт қолдиғи давр якунига</b>		
	шу жумладан:		
5.1.	<i>спирт омборидаги</i>		
5.2.	<i>ароқ цехидаги купаж ҳолатидаги</i>		
5.3.	<i>фильтр колонкадаги</i>		
5.4.	<i>йўлдаги</i>		

Ташкилот раҳбари:

\_\_\_\_\_

Бош бухгалтер:

\_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 ноябрдаги 753 -сон қарорига  
4-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) 1-иловада келтирилган рўйхат бошидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” бўлими номидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда):

а) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6. Лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда – Лицензиялаш комиссияси) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялаш комиссияси фаолияти Лицензиялаш комиссияси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Лицензия олиш учун зарур ҳужжатларни қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосаси ва Лицензиялаш комиссияси қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензия битимини тузиш, унинг бажарилишини ва лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Ишчи орган) томонидан амалга оширилади”;

б) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Лицензия талабгори лицензия олиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза (аризада куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисобварағи, фаолиятининг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланаётган тури);

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

куйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш объектининг паспорти:

ишлаб чиқариш объектининг бош режаси, шунингдек, ишлаб чиқариш цикли ва муҳандислик-техник коммуникацияларининг жойлашиши тўғрисидаги ҳужжатлари;

ускунанинг ишлаб чиқарилган йили, ишлаб чиқарувчиси ва ишлаб чиқарилган мамлакат;

ускунанинг техник ҳолати ва ўрнатилган ишлаб чиқариш қувватлари.

Ишчи орган лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар ва ахборотларни Комиссияга тақдим этиш учун талабгорнинг аризаси топширилган кундан бошлаб 10 иш кунда “ягона дарча” тамойили асосида, лицензия талабгорининг иштирокисиз куйидаги ҳужжатларни ваколатли органлардан сўров йули билан олади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича таклиф қилинаётган қувватларни ишга туширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида “Ўзстандарт” агентлигининг хулосаси;

санитария-эпидемиология назорати органларининг маҳсулотлар, ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ёнғин назорати органларининг хулосаси.

Ваколатли органлар ўн иш кунда ижобий хулоса ёки асосланган рад жавобини бермаса, Ишчи орган тегишли хулосаларсиз лицензия бериш тўғрисида аризани кўриб чиқади.

Бунда жавобгарлик белгиланган муддатларда ижобий хулоса ёки асосланган рад жавобини бермаган ваколатли органга юкланади.

Ишчи орган лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан тегишли йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни электрон тарзда мустақил равишда олади.”;

в) 11-банддаги “лицензияловчи органга” сўзлари “ишчи органга” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банднинг иккинчи хатбошисидаги “лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда – Виночиликни ривожлантириш жамғармаси) сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 14-банднинг учинчи хатбошисидаги “лицензияловчи орган” сўзлари “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 15-банднинг биринчи, тўртинчи, ўнинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларидаги “лицензияловчи орган” сўзлари “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 16-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензиялар ишчи орган томонидан белгиланган намунадаги бланкаларда расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан имзоланади”;

з) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия бериш учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензиялаш комиссияси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.”;

и) 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги “лицензияловчи орган” сўзлари “лицензиялаш комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 22-банддаги “лицензияловчи орган” сўзлари “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 24-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензиялаш комиссияси томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади.”;

иккинчи хатбошидаги “лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига” сўзлари “Виночиликни ривожлантириш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 26-бандда:

биринчи хатбошидаги “лицензияловчи орган” сўзи “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақами” сўзлари “Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 27–29-бандлардаги “лицензияловчи орган” сўзлари “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 30 ва 31-бандлардаги “лицензияловчи орган” сўзлари “Комиссия” сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 32 ва 33-бандлардаги “лицензияловчи орган” сўзлари “ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 34-банднинг иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармасига” сўзлари “Виночиликни ривожлантириш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;


с) илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:



Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
илова

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш

СХЕМАСИ



3. Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголли маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 13 февралдаги 71-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон) 1-илованинг 16-бандига рус тилидаги матнга қуйидаги таҳрирда 3-хатбошиси қўшилсин:

“Допускается розлив натуральных вин в хрустальные, фарфоровые и керамические тары при условии обеспечения ее безопасности.”

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 9 июлдаги 571-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 йил, 09/19/571/3401-сон):

а) 9-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 33-банддан – “Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 23 августдаги 707-сонли қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 24.08.2019 й., 09/19/707/3626-сон):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясига” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш бўйича талаблар 2020 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.”

в) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда – Лицензиялаш комиссияси) томонидан амалга оширилади.

Лицензиялаш комиссияси фаолияти комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия олиш учун зарур ҳужжатларни қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосаси ва лицензиялаш комиссияси қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензия битимини тузиш, унинг бажарилишини ва лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Ишчи орган) томонидан амалга оширилади”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Қуйидаги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади:

а) ректификатланган истеъмол этил спирти, шу жумладан, узум, мева-резавор ва вино спирти, шунингдек, узум ва мева-резаворлардан тайёрланган спирт хомашёси;

б) техник этил спирти;

в) узум, вино, коньяк, виски, ром, мева-резаворлар ва кальвадос дистилляти;

г) ароқ, шу жумладан, узум ва мева ароғи, шунингдек, ликёр-ароқ маҳсулотлари;

д) коньяк, коньяк ичимликлари, бренди, виски, ром, кальвадос;

е) узум ва мева-резавор виноси (табiiй винолардан ташқари), кўпикланадиган (қайнар) ва газли вино;

ж) ўткирлиги 7,0 фоиздан 22 фоизгача бўлган вино ичимликлари;

з) узум ва мева-резаворлардан тайёрланган вино хомашёси (виноматериаллар)”;

7-бандда:

“г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“г) ҳар бир маҳсулот тури учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан тасдиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқномаларнинг мавжудлиги”;

“д” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“д) истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки нафар мутахассис ҳамда техник этил спирти ишлаб чиқариш соҳасида бир нафар мутахассиснинг мавжудлиги”;

“ж” ва “з” кичик бандлардаги “Инспекция” сўзи “Ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

“о” кичик банддаги “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги “х” ва “ц” кичик бандлар қўшилсин:

“х) алкоголь маҳсулотларининг товар белгиларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлиги;

ц) истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқарувчилар реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган (2021 йил 1 июлдан) ҳамда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида (2022 йил 1 январдан) реализация қилишни амалга ошириши лозим”;

9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Истеъмол ва техник этил спирти, шунингдек, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия олиш учун талабгор ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича лицензия бериш тўғрисида ариза;

б) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқариш объектининг паспорти.

Ишчи орган лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар ва ахборотларни Комиссияга тақдим этиш учун талабгорнинг аризаси топширилган кундан бошлаб 10 иш кунда “ягона дарча” тамойили асосида лицензия талабгорининг иштирокисиз қуйидаги ҳужжатларни ваколатли органлардан сўраб олади:

а) ишлаб чиқариш ва сақлаш иншоотларининг, шунингдек, технологик ускуналарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳудудий санитария-эпидемиологик назорат органининг хулосаси;

б) ишлаб чиқаришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бошқармалари хулосаси;

в) ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш ва сақлаш биноларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳудудий ёнғин назорати органининг хулосаси;

г) “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш департаментининг ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш учун зарур бўлган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда ўлчаш жиҳозлари билан таъминланганлиги тўғрисидаги хулосаси;

д) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (бино, иншоотлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ҳоказо) қурилганда ва янгиси ташкил этилганда, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилганда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қисқартириш вазирлигининг истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш балансидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилаётган янги қувватларни ташкил этилишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

Ваколатли органлар ўн иш кунида ижобий хулоса ёки асосланган рад жавобини бермаса, ишчи орган тегишли хулосаларсиз лицензия бериш тўғрисида аризани кўриб чиқади.

Бу ҳолда жавобгарлик белгиланган муддатларда ижобий хулоса ёки асосланган рад жавобини бермаган ваколатли органга юкланади.

Ишчи орган лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжатни электрон тарзда мустақил равишда олади.

Лицензия талабгоридан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.”;

13-бандда:

биринчи хатбошидаги “Инспекцияга” сўзи “ишчи органга” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензия олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси ишчи орган томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).”;

16-бандда иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Бунда ишчи орган, жойларга бориб ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

Қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан эксперт хулосаси

тайёрлайди ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тасдиқлаш учун Комиссияга тегишли қарорнинг баённома лойиҳаси билан бирга тақдим этади”.

17 ва 19-бандлардаги “Инспекция” сўзи “Ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банддаги “Инспекция бошлиғи” сўзлари “Лицензиялаш комиссияси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Инспекция” сўзи “Ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандда:

“б” кичик банддан “эфиралдегидли фракция (этил спиртининг бош фракцияси)” сўзлари чиқариб ташлансин;

“д” кичик банддаги “резавор мева” сўзлари “мева-резаворлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) узум ва мева-резаворлар спирти, вино спирти, узумдан ва мева резаворлардан тайёрланган спирт хомашёси, узум, вино, коньяк, виски, ром, мева-резаворлар ва кальвадос дистиллятлари, кўпикланадиган ва газланган вино ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида”;

“з” кичик банд чиқариб ташлансин.

30-бандда “Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси” сўзлари “Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

31–34, 36 ва 37-бандлардаги “Инспекция” сўзи “Ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“38. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида Ишчи орган томонидан уч нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Ишчи органда қолади ва бир нусхаси Лицензиялаш комиссиясига тақдим этилади”;

40-банддаги:

“в” кичик бандда “(этил, коньяк ва мева, узумдан ректификатланган этил спирти, мевадан ректификатланган этил спиртидан ташқари)” сўзлари “(ректификатланган истеъмол этил спирти, коньяк дистилляти ва мева, узумдан ректификатланган этил спиртидан ташқари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик банддаги “100” рақами “50” рақами билан алмаштирилсин;

41-банддаги “Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси” сўзлари “Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“42. Ишчи орган Лицензиялаш комиссияси номидан молиявий жарималар қўллаш тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эга.

Молиявий жарималар қўллаш тўғрисидаги баённомалар Ишчи орган томонидан тузилади ва суд органларига қарор қабул қилиш учун киритилади (содир этилган ҳуқуқбузарликларда шахслар айбларини тан олган ва молиявий жарималар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно)”;

43-банддаги “Инспекция” сўзи “Ишчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банддаги “Инспекция” сўзи “Лицензиялаш комиссияси” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги 44<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“44<sup>1</sup>. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўладиган лицензия талаб ва шартларини бир марта қўпол равишда бузишга қуйидагилар киради:

бир назорат тадбирида лицензия талабларининг икки ва ундан ортиқ кичик бандлари талабларининг бузилиши;

Лицензия талабларининг мунтазам равишда бузилиши деганда ушбу Низомнинг 40-бандида кўрсатилган лицензиатга таъсир чораси қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида лицензия талабларининг такроран бузилиши тушунилади.”;

45-банддаги “Инспекция” сўзи “Лицензиялаш комиссияси” сўзи билан алмаштирилсин;

46-48-бандлардаги “Инспекция” сўзи “Ишчи органи” сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 3 ва 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Истеъмол ва техник этил спирти,  
алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
фаолиятини лицензиялаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_  
№ \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол**  
**ва техник этил спирти, алкоголь ва**  
**тамаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш**  
**фаолиятини лицензиялаш комиссиясига**

## АРИЗА

### 1. Ариза берувчи

\_\_\_\_\_ (юрidik шахсининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли)

### 2. Ариза берувчининг юридик манзили:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (жойлашган жойи, почта индекси, манзили, телефон, факс ва ҳ.к.)

### 3. Ариза берувчининг банк реквизитлари:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Маҳсулотнинг қуйидаги турларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензия беришингизни сўрайман:

а) \_\_\_\_\_

б) \_\_\_\_\_

в) \_\_\_\_\_

(маҳсулот турининг номи)

қуйидаги манзилда жойлашган объектларда:

а) \_\_\_\_\_

б) \_\_\_\_\_

в) \_\_\_\_\_

(ишлаб чиқариш ва (ёки) омбор биноларининг жойлашган жойи (почта манзили) кўрсатилади).

Лицензия олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар \_\_\_\_ варақда илова қилинади.

Раҳбарнинг лавозими


(имзо)

\_\_\_\_\_  
(раҳбарнинг Ф.И.О.)



Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ



Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь  
маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини  
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси герби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ИСТЕЪМОЛ ВА ТЕХНИК ЭТИЛ СПИРТИ, АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ  
МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ  
КОМИССИЯСИ**

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
фаолиятини амалга ошириш учун  
ЛИЦЕНЗИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол  
ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш  
фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг

20\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон қарорига мувофиқ \_\_\_\_\_

(ташкilotнинг номи)

\_\_\_\_\_ га

(ташкilotнинг почта манзили ва СТИР)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

\_\_\_\_\_ ишлаб чиқариш фаолиятини  
амалга ошириш учун рухсат берилади.

Лицензия берилган сана: \_\_\_\_\_

Лицензиянинг амал қилиш муддати: \_\_\_\_\_

Реестр тартиб рақами: \_\_\_\_\_

*Изоҳ. Лицензияловчи орган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь  
маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга  
мувофиқ лицензия талаблари ва шартларига риоя этилмаган ҳолларда лицензиянинг амал  
қилишини тўхтатиб туриши, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш ҳуқуқига эга.*

Ваколатли шахс \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)”

М.Ў.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2019 й., 09/19/917/4035-сон) 1-илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари сифатини органолептик баҳолаш бўйича республика дегустация комиссияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 декабрдаги 1039-сон қарорида (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2019 й., 09/19/1039/4232-сон):

а) 1-бандда “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин”;

б) иловада:

11-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

1-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги вакиллари (уч нафар)” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги вакиллари (беш нафар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 2-иловада:

“Чора-тадбирлар” устунидаги “Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарори билан тасдиқланган Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомда (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2020 й., 09/20/98/0191-сон):

а) 6-бандда:

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги қошидаги Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кенгаши” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар бериш бўйича Кенгаши” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-бандда:

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги “Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада келтирилган рўйхат боши:

“Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Чора-тадбирлар” устунидаги “Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига” ҳамда “Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашига” сўзлари “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига” ва “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар бериш бўйича Кенгашига” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2-иловада:

“Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сўзлари “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 166-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 й., 09/20/166/0330-сон) билан тасдиқланган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясида (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади)” сўзлари “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбоши, 3-банд биринчи хатбоши, 4-банд иккинчи хатбоши, 6, 7 ва 9, 11 ва 12-бандлардаги “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

в) Низомга иловада “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” ва “Инспекция” сўзлари тегишли равишда “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” ва “Агентлик” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 20 майдаги 301-сон қарорида (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й., 09/20/301/0620-сон);

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “Инспекция” сўзи “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

2-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолият Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан лицензияланади”;

6-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “Инспекциянинг” сўзи “Агентликнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбошидаги “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошида, 9-банднинг биринчи хатбошидаги, 10-банднинг биринчи хатбошидаги, 13-банднинг иккинчи хатбошидаги, 14-банд, 16-банднинг биринчи ва саккизинчи хатбошидаги, 19, 26 ва 27-бандлардаги, 28-банднинг биринчи хатбошидаги, 29, 31, 32 ва 36-бандлардаги, 40-банднинг биринчи хатбошидаги, 41-банддаги ҳамда 42-банднинг биринчи хатбошидаги “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

17-банддаги “Инспекция бошлиғи” сўзлари “Агентлик директори” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-бандда:

биринчи хатбошидаги “Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари Инспекция номидан” сўзлари “Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари Агентлик номидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши “Инспекция” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

34-банддаги “Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига” сўзлари “Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банддаги “йиллик” сўздан кейин “(лицензия берилган санадан бир йил муддатда)” сўзлари қўшилсин;

45-банддаги “Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига кирим қилинади” сўзлари “Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Низомга 1-иловага “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) Низомга 2-иловадаги “Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) Низомга 3-иловадаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 ноябрдаги 753 -сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 30 мартдаги 271-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь ва тамаки бозорини самарали тартибга солишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 8 июндаги 474-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 30 мартдаги 271-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 6 апрелдаги 203-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ–4546-сон қарори)” 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 39-банди.

